

Ҳам адиб, ҳам мунаққид, ҳам таржимон

Янгилик, ислоҳот ҳаётнинг ҳеч бир соҳасига осонликча кириб келмайди – йўлда тўсиқларга учраши табиий. Уларни енгиб ўтиш: устувор қарашларни, тушунчаларни, кўникмаларни синдириш осон бўлмайди. Янгилик дегани ўзи синдирган нарсадан афзаллигини исботлай олган тақдирдагина яшаб қолади.

70-йилларнинг бошида танқидчилар мавжуд адабий тафаккурни янгилаш истагидан келиб чиққан дадил экспериментларни урқалтақ қилиб, гоҳ матбуот орқали, гоҳ Ёзувчилар уюшмасидаги анжуманларда шоирлардан нима демоқчи эканини тушунтириб беришни талаб қилиб юрган кезларда тенгдошлари руҳини, ютуғу камчиликларини яхши биладиган закий, тийрак ва, энг муҳими, ўзи ҳам ижодкор бир танқидчига эҳтиёж бор эди. Бу танқидчи зиммасига оғир вазифа – тенгдошлари ижоди таҳлили орқали янгича адабий-танқидий тафаккурни шакллантириш, янги асарларни асоссиз танқиду ҳужумлардан ҳимоя қилиш ҳам тушар эди. Ўша пайтлар мана шу юкни таниқли ёзувчи, мунаққид Аҳмад Аъзам гарданига олди.

Ўша кезларда А.Аъзамнинг адабий-танқидий қарашлари янгилиги, вазминлиги, теранлиги ва, энг муҳими, эскича мантиқ қолипларини бузиб ташлаётгани билан ажралиб турар эди. У аксарият танқидчиларни гангитиб қўйган экспериментлар, шаклий изланишлар ўзбек тафаккуридан унчалик ҳам узаб кетмаганини, мақсад “шаклни ўзгартириш орқали мазмунни янгилаш” эканини мақолаю тадқиқотларида тушунтириб бера бошлади. Кўп ўтмай адабий жамоатчилик унинг далилларини қабул қилди ва анъанавий адабий танқид тишини ғижирлатиб бўлса-да, тўнини ўнгариб кийиб, янги авлоднинг адабий тажрибалари билан ҳисоблашадиган бўлди.

Ниҳоят узоқ тортишувлардан сўнг адабиётнинг “эксперимент цехи” ҳам бўлиши кераклиги хусусида маълум бир хулоса ва мурасага келинди. Бошқа танқидчиларнинг меҳнатини заррача камситмаган ҳолда бунда Аҳмад Аъзамнинг хизмати беқиёс эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бироқ орадан 15-20 йил вақт ўтиб, бу масаланинг яна ўртага чиққани, баҳсга адабий-танқидий қарашлари 20-асрнинг 50-60-йиллари даражасида қотиб қолган, айрим оқсоқол адиблар ҳам аралашиб, ёшларни ҳе йўқ, бе йўқ, нигилизму худосизликда айблай бошлагани, фольклор ва мумтоз адабиёт

ҳақида тадқиқот қилиб юрган олимларнинг ҳам бир юмалаб “экспериментшунос” бўлиб қолгани одамни ажаблантиради. Бунинг сабаби ўша чоғлар адабий муҳитда ҳукм сурган муайян парокандалик, адабий танқиднинг “бедарвоза қолгани” билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

Аҳмад Аъзам мансуб авлод зиммасидаги маърифатпарварлик вазифаси ниҳоятда масъулиятли эди. У мафкура уркалтакларию қирғинлари таъсирида бошини косаси ичига тортиб олган маҳдуд миллий адабиётни а) мутолаа; б) таржима; в) тажриба орқали янги босқичга кўтаришни кўзлаган эди.

Ўша авлод вакилларининг саъй-ҳаракатлари туфайли энди ҳар бир даврада “чангалзор-силвалар”дан баҳс очиладиган, адабий жамоатчилик дунё адабиётини излаб ўқийдиган бўлган эди. Совет давридаги хорижий ёзувчиларнинг асарларини русча орқали ўзбекчалаштириш амалиётидан аслиятдан таржима қилишга ўтила бошлади.

Ўша йиллари Аҳмад Аъзам мунаққиду ёзувчилиги баробарида бадиий таржимага ҳам қўл урди ва Албер Камюнинг қатор асарларини ўзбекчалаштирди. Адабий жамоатчилик бу таржималарни жуда илиқ кутиб олди ва буюк француз адиби ўзбекнинг ҳам ўз ёзувчисига айланди.

Тинимсиз мутолаа ва таржима таъсирида пайдо бўла бошлаган изланишлар ўз самарасини бера бошлади. Бошқа экспериментлар қатори интеллектуал проза вужудга келди. Аҳмад Аъзамнинг ҳам қатор новелла, ҳикоя ва қиссалари нашр этила бошлади. Лекин у тенгдошларидан фарқли ўлароқ, бирор ёзувчи ёки миллий адабиётга тақлид қилмади, фикрлаш тарзи ҳам, мулоҳазакорлиги ҳам соф ўзбекча эди. Сўздан фойдаланиш маҳорати, асарларининг бетакрор услуби, жонли тили, рамзлар билан йўғрилган ўзига хос фабуласи – ҳамма-ҳаммаси янгилик эди.

Аҳмад Аъзам билан тенгдошлари ижодида яна бир ҳали ўз тадқиқотини кутаётган жиҳат бор. Айнан шунга ўхшаш феноменларни рус шоири А.Вознесенский “эскизэнциализм” деб атаган эди. Маъноси – келгуси воқеаларнинг адабий асарларда у ёки бу тарзда зухур бўлиши.

70-йилларда бошланган адабий экспериментлар нафақат адибиётнинг қотиб қолган қолиплари, қолаверса, коммунистик мафкуранинг ялпи босимига ҳам қарши ўзига хос исён эди. Бир замонлар фақат хос давраларда ўтказилган мушоираларнинг 60-70 йиллар – турғунлик ҳукм сурган йилларга келиб, стадионларга чиқиб кетгани ҳам шу билан боғлиқ. Хуллас, адабиётда шаклу қолипларни бузишга бўлган ҳаракат тоталитар тузумнинг патарат топиши билан тугади. Ёки янаям тўғрироғи, ўша шаклий изланишлар 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошидаги ижтимоий-сиёсий талотўплар андозаси эди.

Эътибор қилинса, Аҳмад Аъзамнинг ўша пайтларда ёзилган прозасида ҳам айна кайфият: яшаб турган шароитдан қониқмаслик, Баҳри муҳитга кетиб қолиш истаги (Маҳди, “Асқартоғ томонларда”), соясини йўқотиб қўйиб, жамиятда радди маъракага айланиш (“Соясини йўқотган одам”) бўртиб кўринади. Бу ўзликни англаш, жамият жавоб талаб қилаётган саволларга жавоб излаш изтироби эди. Изтироблиги шундаки, жавобни на ўқиётган китобларинг ва на ўзинг мансуб авлод вакиллари мулоҳазаларидан топа оласан. Ички эҳтиёж эса жавоб излашга мажбур қилади, тиндирмайди.

Энг муҳими, ёзувчи мана шу изланишларию изтиробларини китобхонга юқтира олгани билан уни ҳам тинч қўймади ва қўймапти.

* * *

Аҳмад Аъзам депутатлик ва турли раҳбарлик ишлари билан банд бўлиб, бирмунча вақт ёзувчиликдан узоқлашиб қолган эди, лекин кейинги йилларда ижодга қайтди. “Ҳали ҳаёт бор” қиссаси эълон қилинди. Телевидениега “Ўзи уйланмаган совчи” деган сериал ёзиб берди.

Куни кеча журналист ва ношир Аҳрор Аҳмад бир хушxabар айтиб қолди – Аҳмад ака билан янги романини тугатиб, уни чоп қилиш тўғрисида нашриёт билан музокара бошлабди...

Фахриёр

“Моҳият”. 2009й. 26 июн